БАНК ОМОНАТИ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ОФЕРТА
№ _____

_____ ш. **“”_____ 20__ йил**

Ушбу ҳужжат кейинги ўринларда «Банк» деб юритилувчи, _____ асосида фаолият юритувчи _____ тимсолидаги Хорижий капитал иштирокидаги “Hamkorbank” Акциядорлик-тижорат банкининг жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда – “Омонатчи”) қуйидаги шартларда барча турдаги банк омонати шартномасини (кейинги ўринларда – “Шартнома”) тузиш тўғрисидаги расмий оммавий таклифи (оммавий офертаси) ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 358, 367 ва 369-моддаларига мувофиқ, ушбу ҳужжат оммавий оферта ҳисобланади ва Омонатчи томонидан омонат суммасини киритишга қаратилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши ушбу Оферта ҳамда Омонатнинг якка тартибдаги шартлари тўлиқ ва сўзсиз қабул қилинганлиги (акцепт) деб тан олинади.

1. ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ ВА ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

1.1. Ушбу Шартномага мувофиқ, Омонатчидан келиб тушган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган Банк омонат суммасини қайтариш ва унга ҳисобланган фоизларни ушбу Оферта ҳамда Омонатнинг якка тартибдаги шартларида назарда тутилган шартлар ва тартибда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ушбу Оммавий оферта Банкнинг мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний шахс билан муддатли омонат шартномасини тузиш тўғрисидаги расмий таклифи ҳисобланади.

1.3. Банк омонати шартномаси реал шартнома деб тан олинади, омонат суммаси Банкка амалда келиб тушган пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади ва ушбу Офертани ажралмас қисми бўлган хар бир Омонатчи билан алохида тузиладиган индивидуал шартлар имзоланганидан сўнг юридик кучга эга бўлади.

1.4. Омонатчи томонидан пул маблағларини муддатли омонат ҳисобварағига ўтказиш/киритиш бўйича ҳаракатларнинг амалга оширилиши ушбу Офертанинг барча шартлари тўлиқ ва сўзсиз қабул қилинганлигини (акцептни) англатади.

1.5. Омонат суммасига фоизлар омонат Банкка келиб тушган куннинг эртасидан бошлаб, омонат Омонатчига қайтариладиган кун ёки омонат бошқа асосларга кўра Омонатчининг ҳисобварағидан чиқариб ташланадиган (ҳисобдан чиқариладиган) кундан олдинги кунгача ҳисобланади.

2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Оммавий оферта — Банкнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган, шартноманинг барча муҳим шартларини ўз ичига олган таклифи бўлиб, ундан Банкнинг таклифда кўрсатилган шартларда мурожаат қилган ҳар бир шахс билан банк омонати шартномасини тузиш хоҳиш-иродаси англашилади.

Акцепт — Оферта юборилган шахснинг (Омонатчининг) уни қабул қилганлиги тўғрисидаги тўлиқ ва сўзсиз жавоби. Ушбу Оферта доирасида Омонатчи томонидан пул суммасини омонатга киритиш/ўтказиш бўйича ҳаракатларнинг амалга оширилиши акцепт деб тан олинади.

Омонатчи — ушбу Офертани акцепт қилиш орқали Банк билан банк омонати шартномасини тузган жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

Омонат (Депозит) — Омонатчи томонидан Банкка берилган (ёки унинг фойдасига келиб тушган), Оферта ва Омонатнинг якка тартибдаги шартларида назарда тутилган тартибда қайтариш ва фоизлар тўлаш шарти билан топширилган пул маблағлари.

Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (20206-баланс ҳисобварағи) — Банк томонидан номуаййян муддатга, Омонатчининг муддатли ва жамғарма омонатларининг фоизлари ҳамда муддати тугаганда омонат суммасини ўтказиш ҳамда унинг биринчи талабига кўра бошқа банк амалиётларни бажариш учун очиладиган банк ҳисобварағи.

Жамғарма омонат ҳисобварағи (20406-баланс ҳисобварағи) — Банк томонидан муайян муддат ва шартлар асосида жамғариладиган ҳамда маълум мақсадларга йўналтириладиган омонатлар банк ҳисобварағи.

Муддатли омонат ҳисобварағи (20606-баланс ҳисобварағи) — Банк томонидан Омонатчи номига муайян муддатга, фоиз тўлаш ва алоҳида шартлар билан омонат суммасини ҳисобга олиш учун очиладиган банк ҳисобварағи.

Банк сири - Банк томонидан кафолатланадиган, ошкор қилинмайдиган ҳисобварақ/омонатнинг мавжудлиги, эгаси ва рақами, ундаги пул маблағларининг қолдиқлари ва ҳаракати, шунингдек Омонатчининг бошқа банк амалиётлари тўғрисидаги маълумотлар.

Омонатнинг асосий (индивидуал) шартлари — ушбу Офертанинг ажралмас қисми бўлиб, алоҳида ҳужжат ёки электрон шаклда расмийлаштирилади ҳамда унда Омонатчининг шахсий маълумотлари ва омонатнинг асосий шартлари (омонат суммаси, муддати, фоиз ставкаси, фоизларни тўлаш тартиби ва ҳ.к.) қайд этилади.

SMS-хабар* — Омонатчининг розилигига кўра унинг мобил телефони рақамига юбориладиган, омонат ҳисобварағи бўйича амалга оширилган амалиётлар тўғрисидаги хабар.

3. ҲИСОБВАРАҚЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ ВА ФОИЗЛАРНИ ТЎЛАШ

3.1. Муддатли ва жамғарма омонат ҳар ойлик фоизлари омонатчининг ҳохишига қараб унинг банк картасига ёки талаб қилиб қилиб олингунча сақланадиган омонатига автомат тарзда ўтказилади.
3.2. Муддатли ва жамғарма омонатларнинг муддатига келгандан сўнг мижоз иштирокисиз унинг талаб қилиб қилиб олингунча сақланадиган омонатига автомат тарзда ўтказилади.

3.3. Агар омонатни охирги сақлаш санаси байрам ёки дам олиш кунларига тўғри келса, омонат суммаси ундан кейинги биринчи иш кунида амалга оширилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Омонатчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Ушбу Оферта ва омонат шартлари билан танишиш;
4.1.2. Ушбу Оферта шартларига риоя қилиш;
4.1.3. Ҳисобварақлар бўйича амалиётларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатьий мувофиқ равишда амалга ошириш;
4.1.4. Банкнинг талабига биноан ушбу Шартномага мувофиқ сўралаётган тегишли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш;
4.1.5. Ҳисобварақларга хатолик билан киритилган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган маблағлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда зудлик билан Банкка хабар бериш ҳамда ҳисобварақлардан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ амалиётларни амалга ошириш учун фойдаланмаслик;
4.1.6. Омонат ҳисобварағидан пул маблағларини ечиб олиш тўғрисида амалга оширилиши режалаштирилаётган санадан бир ой олдин Банкни хабардор қилиш;
4.1.7. Банк тарифларида назарда тутилган, ҳисобварақ бўйича маблағлар ҳаракати билан боғлиқ банк амалиётлари учун комиссия мукофотларини тўлаш;
4.1.8. Масофавий банк хизмати (МБХ) тизими орқали Омонат маблағларини бевосита Омонатчи томонидан тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи маълумотларнинг (логин, пароль, PIN-кодлар) махфийлигини таъминлаш ва уларни учинчи шахсларга бермаслик;
4.1.9. Унинг логини ва паролидан фойдаланган ҳолда рухсатсиз киришнинг ҳар қандай ҳолати ва/ёки хавфсизликнинг ҳар қандай бузилиши ҳақида Банкнинг Алоқа марказига/таркибий бўлинмасига ёки МБХ тизимларининг қўллаб-қувватлаш хизматига мурожаат қилиш орқали Банкни зудлик билан хабардор қилиш;
4.1.10. Ўз реквизитлари (шахсни тасдиқловчи ҳужжат, манзил ва телефон рақамлари) ўзгарганлиги тўғрисида 10 (ўн) календарь куни ичида Банкка хабар бериш;
4.1.11. Агар норезидентлар Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлсалар, улар ўзларининг солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат банкка тақдим этилган санадан эътиборан мижознинг кейинги амалиётлари учун амал қилади;
4.1.12. Омонатни сақлаш муддатининг тугаш санасини назорат қилиш ва банкка ўз вақтида мурожаат қилиш;
4.1.13. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка, шунингдек халқаро иқтисодий санкцияларга риоя қилиш;
4.1.14. Банкнинг https://hamkorbank.uz расмий веб-сайтида жойлаштирилган банк тарифидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилган банк амалиётлари учун комиссия тўловини амалга ошириш.

4.2. Банкнинг мажбуриятлари:

4.2.1. Якка тартибдаги шартлар бандида кўрсатилган муддат тугагач, Омонат суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни Омонатчига тўлиқ қайтаришни таъминлаш. Омонатни қайтариш санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келган тақдирда, тўловлар кейинги иш кунига кўчирилади;
4.2.2. Омонатчининг аризаси асосидаги нақд пулсиз топшириғини кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан бажариш;
4.2.3. Омонат бўйича амалиётларни ёзиш учун бўш жой (сатр) қолмаганда, ёки омонат дафтарчаси яроқсиз ҳолга келганда, ёхуд омонат дафтарчаси йўқолган тақдирда Омонатчи номига янги омонат дафтарчасини расмийлаштириш;
4.2.4. Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, омонатчига унинг банкдаги омонат ҳисобварақларидаги қолдиқ суммаси бўйича 200,0 млн (икки юз миллион) сўм доирасида компенсация тўланади. Компенсация тўланиши ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади;
4.2.5. Ҳисобварақлардаги маблағларнинг сақланиши ва дахлсизлигини таъминлаш. Ҳисобварақлардаги маблағларга хатлов қўйиш ёки ҳисобварақлар бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш фақат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин;
4.2.6. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ, норезидентга (солиқ резиденти мақоми мавжуд бўлмаган тақдирда) очилган омонат бўйича тўланадиган фоизлардан (даромадлардан) тўлов манбаида солиқ суммасини тўғри ҳисоблаш, ушлаб қолиш ва Ўзбекистон Республикаси бюджетига ўтказишни таъминлаш;
4.2.7. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш, Омонатчи ва Омонат тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга фақат амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиш;
4.2.8. Омонатчиларга қонунчиликда назарда тутилмаган чекловларни белгилашга ҳақли эмас;
4.2.9. Омонатчининг ҳисобварақларидан унинг топшириғисиз маблағларни ўтказиш амалиётлари ёки Омонатчининг омонат ҳисобварағи бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида Омонатчига у танлаган усулда кейинги иш кунидан кечиктирмасдан хабарнома юбориш.

4.2.10. Масофавий банк хизматларини кўрсатишда киберхавфсизликни таъминлаш, шунингдек, Омонатчининг маблағларини фирибгарлик (фрод) йўли билан ўзлаштириш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида узлуксиз ишловчи анти-фрод тизимларини жорий этиш ва уларнинг ишлашини таъминлаш.

4.2.11. Анти-фрод тизими орқали Омонатчининг ҳисобварағида шубҳали транзакциялар (одатий бўлмаган қурилмадан кириш, шубҳали IP-манзиллар ёки ўзга хатти-ҳаракатлар) аниқланганда, ушбу амалиётни дарҳол вақтинча тўхтатиб қолиш (блокка қўйиш) ва бу ҳақда Омонатчига зудлик билан хабар бериш.

4.2.12. Омонатчига ўз ҳисобварақлари бўйича транзакцияларга мустақил равишда лимитлар ўрнатиш ва масофавий хизматлардан фойдаланишни вақтинча чеклаш (блок қилиш) имкониятини узлуксиз (24/7 режимда) яратиб бериш.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Омонатчининг ҳуқуқлари:

5.1.1. Пул маблағлари Омонатга келиб тушгандан сўнг, белгиланган тартибда Банкнинг тасдиқномасини олиш;
5.1.2. Омонат ҳисобварағи айланмалари бўйича кўчирмалар олиш;
5.1.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Омонатни шахсан тасарруф этиш ёки Омонатни тасарруф этиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш;
5.1.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Омонатчининг бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиш;
5.1.5. Омонат суммаси ва тўланган фоизларни эркин тасарруф этиш;
5.1.6. Ўзбекистон Республикасининг ”Фуқаролик кодекси”га мувофиқ Омонат бўйича ишончнома бериш ёки васиятнома расмийлаштириш;
5.1.7. Омонат дафтарчаси ёки омонат дафтарчаси расмийлаштирилмасдан очилган ҳолларда омонат реквизитлари тақдим этилганда, Омонат ҳисобварағидаги маблағларни учинчи шахслар орқали тўлдириш;
5.1.8. Омонат бўйича амалиётларни ёзиш учун бўш жой (сатр) қолмаганда, ёки омонат дафтарчаси яроқсиз ҳолга келганда, ёхуд омонат дафтарчаси йўқолган тақдирда янги омонат дафтарчасини расмийлаштиришни талаб қилиш;
5.1.9. Шахсий идентификация кодлари, логин ва паролларидан фойдаланган ҳолда масофавий банк хизмати тизими орқали омонат ҳисобварақлари тўғрисида маълумот олиш;
5.1.10. Омонат ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган мобил телефон рақамига SMS-хабарлар юборилишини талаб қилиш;
5.1.11. Банк хизматлари бўйича тўловларни тўлаш усулларини мустақил равишда танлаш;
5.1.12. Омонатчининг ҳисобварақларидан унинг топшириғисиз маблағларни ўтказиш амалиётлари ёки Омонатчининг омонат ҳисобварағи бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида почта орқали / SMS-хабарномалар орқали / шахсий телефон сўзлашуви орқали хабардор қилиш усулларини танлаш;
5.1.13. Омонатнинг муддати тугагач ёки муддатидан аввал омонатдаги маблағларни, ушбу Офертада белгиланган тартибда талаб қилиб олиш.
5.1.14. Омонатнинг муддати тугашидан аввал омонатдаги маблағларни талаб қилиш. Бунда, маблағларни қайтариш мазкур Офертани индивидуал шартларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
5.1.15. Мижоз ўзининг Абонент рақамига Банк томонидан юбориладиган реклама қўнғироқлари ва хабарномаларини ўз сўровига (аризасига) кўра блоклаш (рад этиш) ҳуқуқига эга. Банк Мижознинг ушбу сўрови асосида реклама материалларини СМС-хабарномалар орқали юборишни ва реклама қўнғироқларини амалга оширишни тўхтатиш мажбуриятини олади.
5.1.16. Мижоз исталган вақтда Банкка ёзма ариза бериш, Алоқа марказига мурожаат қилиш ёки "Ҳамкор" мобил иловаси созламалари орқали Банк томонидан тарқатиладиган реклама қўнғироқлари ва СМС-хабарномаларини ўз сўровига кўра блоклашни (олишни рад этишни) талаб қилиш ҳуқуқига эга. Банк Мижоздан бундай сўров келиб тушган вақтдан бошлаб реклама материалларини СМС-хабарномалар орқали юборишни ва реклама қўнғироқларини амалга оширишни блоклаш мажбуриятини олади.

5.2. Банкнинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тегишли давлат органларининг суд ҳужжатлари келиб тушган тақдирда, Омонатчининг эътирозларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда чоралар кўриш (пул маблағларига хатлов қўйиш, пул маблағларини низосиз/акцептсиз ҳисобдан чиқариш, ҳисобварақ бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш ва бошқалар);
5.2.2. Омонатчининг ҳисобварақларида турган пул маблағлари бўйича банк амалиётлари бўйича кўрсатилган хизмат учун белгиланган Банк Тарифларига мувофиқ Омонатдан нақд пулсиз маблағларни ҳисобдан чиқарганлик учун комиссия мукофотини ундириш;
5.2.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида, Банк Омонатчидан уни идентификация қилиш имконини берувчи ҳамда ҳисобварақлар бўйича амалга оширилаётган амалиётларнинг қонунийлигини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга;
5.2.4. Норезидентларга депозитлар бўйича тўланадиган фоизлар суммасидан 10 (ўн) фоиз миқдорида даромад солиғи ушлаб қолинади. Омонатчи томонидан солиқ резиденти эканлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда 10 (ўн) фоиз миқдоридаги даромад солиғи ушлаб қолинмайди;
5.2.5. Омонатчи томонидан Банк тизимида кўрсатилган манзиллар/телефон рақамларига почта жўнатмалари, электрон алоқа воситалари, SMS-хабарлар орқали ёки бошқа ҳар қандай усулда хабарномалар, билдиришномалар, Банк янгиликлари, ахборот ва реклама материаллари ҳамда Банкнинг тижорат таклифларини, шунингдек Омонатчининг ҳисобварағидан амалга оширилган амалиётлар бўйича маълумотларни юбориш. Омонатчи юборилган хат-хабарлар учинчи шахсларга аён бўлиб қолиши билан боғлиқ сифат хавф-хатарларни ўз зиммасига олади;
5.2.6. Банк томонидан маблағлар Омонатга хатолик билан ўтказилган тақдирда, Мижоз Банкка Мижознинг қўшимча фармойишларисиз (олдиндан берилган акцепт) Омонатдан хатолик билан ўтказилган пул маблағлари ва/ёки Омонат суммасига ортиқча ҳисобланган/тўланган фоизлар миқдоридаги пул маблағларини Омонатдан ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради ва розилик билдиради;
5.2.7. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ушбу Офертага Омонат шартларини ўзгартирмайдиган арзимас ўзгартиришлар киритиш;
5.2.8. Омонатнинг амал қилиш муддати тугагач, омонат суммасининг қолдиғи ва унга ҳисобланган фоизлар Омонатчининг Банкда очилган тегишли 20206-талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади. Агар Омонатчида Банкда бундай ҳисобварақ мавжуд бўлмаса ёки ёпилган бўлса, Банк Омонатчининг қўшимча розилигисиз (акцептисиз) автоматик равишда унинг номига янги 20206-талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очади ва пул маблағларини ушбу ҳисобварақка ўтказади;
5.2.9. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда Омонатга хатлов қўйилган тақдирда, Банк Омонат бўйича амалиётларни тўхтатиб қўяди. Омонатчининг ҳисобварағига хатлов қўйилганлиги сабабли банк ушбу ҳисобварақда мавжуд бўлган пул маблағларидан фойдалана олмаган даврда омонат бўйича фоизлар ҳисобланмайди.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Омонатчи қуйидагилар учун жавобгар бўлади/хавф-хатарни ўз зиммасига олади:

6.2.1. МБХ тизими орқали Омонат ва Омонат бўйича амалиётлар тўғрисида олинган маълумотларнинг сақланиши;

6.2.2. МБХ орқали Омонат маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи маълумотларнинг (логин, пароль, PIN-кодлар) сақланиши ва махфийлигини таъминлаш, шунингдек Омонатчи томонидан бундай маълумотларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя қилинмаслиги натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган зарарлар;

6.2.3. Омонатчининг ўз айби ёки эҳтиётсизлиги натижасида ушбу Оферта бўйича Банк томонидан Омонатчига кўрсатиладиган масофавий хизматдан бошқа шахслар томонидан ноқонуний фойдаланилиши ва бундай ноқонуний фойдаланиш келтириб чиқарган барча оқибатлар.

6.3. Банк қуйидагилар учун жавобгар эмас:

6.3.1. Омонатчи томонидан ўз манзили ва/ёки телефон рақамлари, шу жумладан мобил телефони, фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарганлиги, шахсини тасдиқловчи ҳужжат алмаштирилганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги, бунинг оқибатида масофавий хизмат кўрсатиш тўхтатиб қўйилиши ёки банк сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор бўлиб қолиши мумкинлиги;

6.3.2. Омонатчининг мобил телефони ўзга шахслар эгалигига ўтиб қолган ҳолларда, бошқа шахслар томонидан МБХ тизими орқали амалга оширилган рухсатсиз амалиётлар;

6.3.3. Омонатчи томонидан МБХ тизимига кириш логини ва паролининг бошқа шахсларга ошкор қилиниши (очилиши);

6.3.4. Омонатчининг МБХ тизимидаги ҳисоб ёзувига (аккаунтига) рухсатсиз кириш натижасида етказилган молиявий ва/ёки ҳар қандай зарар учун, фақатгина ушбу ҳолат Омонатчининг эҳтиётсизлиги ёки қасддан қилинган ҳаракатлари (логин, пароль, SMS-кодларни учинчи шахсларга бериши) оқибатида юз берганлиги исботланган тақдирда. Агар рухсатсиз кириш Банкнинг ахборот тизимларидаги заифлик, кўп омилли аутентификациянинг ишламаганлиги ёки банк тизими бузиб кирилиши (киберҳужум) сабабли юз берган бўлса, Банк жавобгарликдан озод этилмайди;

6.3.5. Омонатчининг қандайдир молиявий йўқотишларига олиб келган/келадиган эҳтиётсизлиги, қасддан қилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида учинчи шахслар томонидан амалиётларнинг амалга оширилиши;

6.3.6. Омонатчи томонидан МБХ тизимига рухсатсиз кириш ҳолатлари ҳақида хабар берилгунга қадар Омонат бўйича рухсатсиз амалга оширилган амалиётлар учун, агар ушбу транзакциялар Банкнинг анти-фрод тизими томонидан шубҳали деб топилиши лозим бўлган мезонларга мос тушмаса. Агар транзакция очиқ-ойдин шубҳали бўлса-ю, банкнинг анти-фрод тизими уни тўхтатмаган бўлса, бундай ҳолатлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

6.3.7. Банк тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчиликка, шунингдек халқаро иқтисодий санкциялар талабларига мувофиқ мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман

бажаришдан бош тортган, шу жумладан Омонатчининг амалиётларини тўхтатиб қўйган ҳолларда жавобгарликдан озод этилади;
6.3.8. Тарафлар ушбу Оферта бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун, агар лозим даражада бажариш енгиб бўлмас куч, яъни табиий шароитлар туфайли, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори асосида мажбуриятларни бажаришни кечиктириш (мораторий) туфайли, тегишли муносабатларни тартибга солувчи қонун ёки бошқа ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилиши туфайли ушбу шароитларда фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида мумкин бўлмай қолган бўлса, жавобгарликдан озод этиладилар.

6.4. Банк масофавий молиявий хизматлар кўрсатишда киберхавфсизлик чораларини лозим даражада таъминламаганлиги, дастурий таъминотдаги техник носозликлар ёки заифликлар, шунингдек, анти-фрод тизимининг ишламаслиги ёки шубҳали амалиётларни тўхтатмаганлиги оқибатида Омонатчига етказилган молиявий зарарни (Омонатчининг айби тасдиқланмаган ҳолларда) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва 3759-сонли Низом талабларига мувофиқ қоплаб беришга мажбур.

6.5. Агар Омонатчининг маблағлари ижтимоий инженерия (фирибгарларнинг алдови) орқали ечиб олинган бўлса ва бунда Омонатчи ўз логин, пароль ёки бир марталик SMS-кодини ўзи учинчи шахсга тақдим этган бўлса, Банк маблағларнинг йўқотилиши учун жавобгар бўлмайди, лекин қонун доирасида маблағларни қайтариш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу Шартнома банкда омонат ҳисобварағи очилган кундан эътиборан ҳақиқий ҳисобланади ва омонат ҳисобварағи ёпилгунга қадар амал қилади.
7.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар шартномага Тарафларнинг розилиги билан, шунингдек ушбу шартномада келтирилган тартибда киритилади. Шартномага ўзгартириш ёки қўшимчалар киритишни хоҳлаган Тараф иккинчи тарафни 10 кун олдин огоҳлантириши керак.
7.3. Шартнома тарафларнинг розилиги билан бекор қилиниши мумкин.
7.4. Шартнома жиддий равишда бузилган тақдирда бир тарафнинг талаби билан ёки шартномада кўрсатилган бошқа ҳолатларда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.
7.5. Банк томонидан банк омонати шартномаси шартларига Омонатчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бир томонлама ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига, Марказий банкнинг ёки Омонатларни кафолатлаш агентлигининг мажбурий хусусиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва кўрсатмаларига ўзгартиришлар киритилган ва уларни ушбу Шартномага қўллаш талаб этилган ҳоллар бундан мустасно.

8. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати давомида, шунингдек шартнома амал қилиши тугагандан кейин 3 йил давомида мижозга банк хизматларини таклиф этиш ва кўрсатиш мақсадида, Мижоз ҳар қандай манбалардан мижозга оид маълумотларни олиш ва уларга ишлов беришга ўз розилигини беради.

8.2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, маблағларни қайтариш Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланади.
8.3. Ҳисобварақлардаги қолдиқлар бўйича компенсация тўлови бир Омонатчига 200 000 000 (икки юз миллион) сўмгача бўлган миқдорда амалга оширилади.
8.4. Омонатчи ушбу Офертани акцепт қилиш орқали Банкга Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ушбу Шартномани тузиш, ижро этиш, шунингдек Омонатчига банк хизматларини кўрсатиш мақсадида ўз шахсга доир маълумотларини тўплаш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш, фойдаланиш, ва уларга бошқача тарзда автоматик ёки автоматик бўлмаган усулларда ишлов беришга тўлиқ розилик беради. Ушбу розилик Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ва у тугагандан сўнг қонунчиликда белгиланган сақлаш муддатлари давомида амал қилади.
8.5. Мижоз ушбу Оферта (шартнома) шартларини қабул қилиши (акцепт қилиши) орқали, Банкка ўзининг Абонент рақамига банк маҳсулотлари, хизматлари ва акцияларини таклиф қилувчи СМС-хабарномалар юборилиши ва реклама қўнғироқлари амалга оширилишига ўзининг тўлиқ ва сўзсиз розилигини билдиради.

9. МАХФИЙЛИК

9.1. Ушбу шартномани тузиш ва ижро этиш вақтида Тарафларнинг бир-биридан олган барча маълумотлари махфий ҳисобланади.
9.2. Шартномани тузиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этиш вақтида бир Тараф маълумот эгасининг ёзма розилигисиз бошқа Тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий маълумотлари ва маълумотларини ошкор қилганлиги учун жавобгар бўлади.
9.3. Ушбу талаб чекланмаган муддат давомида амал қилади.
9.4. Ушбу талабларни бузган Тараф бузилиш оқибатида бошқа Тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб беради.

10. ФОРС-МАЖОР

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар, ҳолатлар (форс-мажор) – бу Тарафларнинг иродаси, хоҳиши ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар (ер силкиниши, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, асирга олиш ва бошқалар), тўлов тизими ва таъминот тизимидаги халқаро, банклараро ва банк ичидаги носозликлар, банкнинг дастурий таъминотига қаратилган таҳдидлар (учинчи шахсларнинг ҳужумлари) сабабли юзага келган, Тарафлар томонидан мажбуриятларнинг ижро этилиши имконини бермайдиган олдиндан кўриб бўлмайдиган ва кутилмаган фавқулодда ҳолатлардир.
10.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда Тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунга қадар шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этишдан озод қилинадилар.
10.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган ва олди олинган пайтдан эътиборан Тараф 3 банк иш куни ичида бу ҳақда иккинчи Тарафни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.
10.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ва олди олинганлиги тўғрисидаги хабарномалар Тарафларда мавжуд бўлган сифлай алоқа воситалари орқали (SMS ва MMS-хабарлар бундан мустасно) юборилиши мумкин.
10.5. Агар Форс-мажор ҳолатлари 30 кун ичида бартараф этилмаса, Тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга.

11. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

11.1. Тарафларга, уларнинг аффилланган шахсларига, ходимларига ёки бошқа иштирокчиларига ушбу шартнома шартларини бажаришда бошқа тарафнинг қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш мақсадида бевосита ёки билвосита пул, қимматликлар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки тақдим этиш тақиқланади. Шундай таклиф қилинганда, бошқа тараф, унинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки бошқа иштирокчилари бундай таклифларни рад этишлари шарт.
11.2. Агар шартнома тарафларидан бирида ушбу шартнома шартларини бажариш билан боғлиқ ҳолда коррупциявий ҳаракат содир этилганлиги тўғрисида маълумотлар, гумонлар ёки исботлар бўлса, у бу ҳақда бошқа тарафга ёзма шаклда хабар қилиши шарт.
11.3. Қабул қилиб олувчи тараф коррупциявий ҳаракат амалда содир этилмаганлиги ёки содир этилмаслиги тўғрисида тасдиқнома олгунга қадар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.
11.4. Шартнома шартларини бажаришда бошқа тарафнинг вакилига, аффилланган шахсига, ходимига ёки бошқа иштирокчиларига пора берган Тараф бошқа тарафга етказилган зарарни қоплаши шарт.

12. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

12.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этиш вақтида юзага келган келишмовчиликлар ёки низоларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар.
12.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаган тақдирда, иккинчи Тараф ҳуқуқлари бузилган Тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига уларда кўрсатилган муддатларда жавоб бериши керак.
12.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати шахсан топшириш, электрон почтага юбориш ёки почта хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.
12.4. Тинчлик йўли билан ҳал этилмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.
12.5. Ушбу Офертада назарда тутилмаган ҳолларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига амал қиладилар.
12.6. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Ҳар бир нусха тенг юридик кучга эга, бир нусха банкда, иккинчи нусха Омонатчида сақланади.

13. БАНКНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Hamkorbank» ATB
140119, Andijon Sh.
Bank kodi: 00083
INN:200242936
OKED:64190
Call-марказ: 0 800 1-200-200 / 1256
e-mail: contact@hamkorbank.uz

Muddatli omonatning asosiy shartlari to‘g‘risidagi axborot

VARAQASI*

Tijorat bankining nomi, rasmiy veb-sayti, telefon raqamlari	

1-bo‘lim. Omonatning asosiy shartlari

1. Omonat nomi	
2. Omonatning valyutasi	
3. Omonat bo‘yicha yillik foiz stavkasi (agar omonat bo‘yicha yillik foiz stavkasi differensiallashgan yoki omonatni rasmiylashtirish usuliga bog‘liq bo‘lsa, har biri alohida ko‘rsatiladi)	
4. Omonat bo‘yicha hisoblangan foizlarni kapitalizatsiyasi mavjudligi (hisoblangan foizni asosiy mablag‘ga qo‘shib qayta foiz hisoblash)	
5. Omonatning muddati	
6. Omonatga qo‘yiladigan mablag‘ning eng kam miqdori (agar mavjud bo‘lsa)	
7. Omonat bo‘yicha foizlarni to‘lash davriyligi	
8. Omonatni rasmiylashtirish usuli (onlayn yoki bankka tashrif buyurish orqali)	
9. Qo‘shimcha mablag‘ kiritish imkoniyati	
10. Avtouzaytirish (omonat muddati tugaganda omonat muddatini bank tomonidan bir tomonlama uzaytirish)	
11. Boshqa shartlar	

2-bo‘lim. Boshqa muhim shartlar

1. Omonatga qo‘yilgan pul mablag‘larini omonat muddati tugagunga qadar qisman yechib olish imkoniyatining mavjudligi	
2. Omonat shartnomasini muddatidan oldin bekor qilish tartibi	

Omonat qo‘yishga rozi bo‘lishdan oldin diqqat bilan o‘rganib chiqing!

Siz omonatning shartlari, omonat bo‘yicha foiz daromadlari va hisob-kitoblar tartibi to‘g‘risida, shuningdek huquqlaringiz va majburiyatlaringiz, Sizga tushunarsiz bo‘lgan boshqa masalalar yuzasidan bankdan to‘liq va batafsil ma’lumot olishga haqlisiz.

Agar Sizda shikoyatlar mavjud bo‘lsa, u holda Siz murojaatingizni (telefon raqami ko‘rsatiladi) raqamli telefonga yoki (bankning pochta manzili ko‘rsatiladi) manzilga yoki (bankning elektron pochtasi manzili ko‘rsatiladi) elektron manzilga jo‘natishingiz mumkin.

AXBOROT VARAQASINING TO‘G‘RILIGI VA HAQIQIYLIGI TASDIQLANADI.

_____ _____

(bank mutaxassisining F.I.Sh. va lavozimi) *(to‘ldirilgan sana)*